“ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК” ЛЕКСИКАСИГА ОИД ХУСУСИЯТЛАР

Ҳ.Дадабоев

Мақола Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида қайд этилган сўз бойлиги таҳлилига бағишланган.

***Калит сўзлар**: луғат, лексема, туркий тиллар, қорахонийлар, қарлуқ, чигил, ўзлашма.*

Статья посвящена анализу лексического богатства, зафиксированного в “Дивану лугатит турк” Махмуда Кашгари.

***Ключевые слова**: словарь, лексема, тюркские языки, караханиды, карлук, чигил, заимствование*

This article is devoted to the analysis of vocabulary in Makhmud Kashgary’s «Divanu Lugatit Turk».

***Key words:** vocabulary, lexeme, Turkic languages, karakhanids, qarlooq, chigil, borrowings.*

Маҳмуд Кошғарий узоқ йиллар давомида “Девону луғотит турк” устида тинмай меҳнат қилди, кўп йилар юртма-юрт кезди. Юқори Чиндан бошлаб, бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Кавказорти, Кичик Осиё(Анадўлу)гача ястанган кенг ва маҳобатли ҳудуду минтақаларни бирин-кетин айланиб чиқди. Шу ҳудуду минтақаларда яшаётган уруғлар, қабилалар, қавмлар, аймоқлар, элатлар, халқларнинг касб-кори, ҳаёт шароитлари, яшаш тарзию усули, нуфузи (сони), урф-одатлари, русумларини аниқлади ва айниқса, уларнинг тилларини синчковлик билан ўрганди. Охир-оқибат бу улуғ инсон жуда катта территорияда яшаган туркийларнинг тилларига тегишли тўплаган аниқ, ҳаққоний, объектив ва ишонарли материалларни жамлаб, ажойиб бир луғат яратишга муваффақ бўлди [1].

Маҳмуд Кошғарий том маънодаги тилшунос, лексиколог ҳамда луғатшунос сифатида луғатдан ўрин олган ҳар бир сўзнинг қандай ёзилиши (имлоси), талаффузи (орфоэпияси), ифодалаган маъноси, шаклий вариантлари, сўзларни ёзиш ва талаффуз қилишда туркий тиллар ҳамда лаҳжалардаги муштараклик ва фарқларни очиб беришга диққат қаратди, туркий тилларнинг қиёсий-тарихий услубда битилган дастлабки намунасини башарият аҳлига ўзига хос тарзда туҳфа қилди. Асар араб лексикографияси мезонлари, қонун-қоидалари асосида яратилган бўлиб, унда туркий тилларнинг лексик хусусиятлари бутун борлиғи билан рост гавдаланган. Асарда шаклдош (омоним), маънодош (синоним), зид (антоним) ва кўпмаъноли сўзларга кенг ўрин берилган. Сўзлардаги қисман ёки тўлиқ вариантлилик, метатеза, бўғин тушиши, бўғин орттирилиши, маъно ўзгариши, маъно кенгайиши каби лисоний ҳодисаларга алоҳида тўхтаб ўтилган.

Сўз ясалиши, сўзлар этимологияси борасидаги луғатнавис фикр ва мулоҳазаларининг нечоғлик илмий-назарий асосланганлиги кейинги давр туркийшунослари томонидан эътироф этилди. Маҳмуд Кошғарий луғатдан ўрин олган саккиз мингдан ортиқ сўзларга диққат қаратар экан, лексемаларда тил қонуниятлари асосида содир бўлган турли хусусиятларни ҳам изоҳлаш йўлидан борди. Сўзларни изоҳлашда қисқалик, лўндалик тамойилини танлаган олим катта, кенг кўламли қонуниятларни қулай, ихчам йўсинда тушунтириб берди.

Луғатда мавжуд сўз туркумларига доир лексик бирликларнинг атрофлича изоҳига эътибор қаратилган. Лексемаларга бирламчи маъносидан фарқли, қўшимча сема юклатиш масаласи, шу йўл билан янги лексема ҳосил қилиш ҳам Маҳмуд Кошғарий назаридан четда қолмаган. Унинг мулоҳазасига кўра, янги сўз ясаш фақат аффикслар ёки сўзларни бир-бирига бириктириш билан ҳосил қилинган қўшма сўзлар орқалигина амалга оширилмайди, балки қуйидаги услублардан фойдаланган тарзда ҳам янги сўз ясаш ўзини оқлайди:

1. Сўзларни қарама-қарши, зид қўллаш билан. Масалан, *сўчўк* сўзи олдин ширинликка нисбатан ишлатилган, сўнг аччиқ таъм-мазалик ичимликка ҳам қўлланиши шунга мисолдир.

2. Бутун ўрнида бўлак, бўлак ўрнида бутун қўллаш натижасида янги сўз юзага чиқади. Бу ерда ҳозирги замонавий тилшуносликдаги интеграл ва дифференциал семалар назарда тутилган, чунончи, луғатда *сабан* истилоҳи аввал қўш ва омочнинг умумий маъносини билдирган бўлса, кейинчалик фақат омочга нисбатан қўлланган таъкидланган [I.382]. Асли “ҳикоя қилиш”ни ифодалаган *этўк* сўзи кейинроқ “ҳикоя, эртак; бирор мақсадни шоҳга билдириш” маъноларини англатган [П.98] ва ҳ.к.

3. Сўзлар маъно доирасининг кенгайишига кўра янги маъно англатади. Хусусан, “қиз бола”

маъносидаги *қыз* лексемасининг “қимматбаҳо” семаси [I.315] шулар жумласидандир.

Хуллас, Маҳмуд Кошғарий ўз даврининг буюк тилшуноси сифатида туркий тилларда қўлланган сўзларни жамлади ва уларни ўзига хос билимдонлик, чидам ва синчковлик билан тадқиқ қилди.

Маълумки, “Девону луғотит турк” лексикаси турфа бўлиб, унда қорахонийлар даври туркий халқларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, диний, маиший, маданий, маърифий ҳаётини акс эттирувчи сўз бойлиги ўз ифодасини топган. Луғатдан ўрин олган лексик бирликларнинг аксарияти ўша замонда ҳаёт кечирган туркий қабилалар, қавм ва халқларнинг барчаси учун муштарак бўлган. Айни чоғда ҳамма туркийлар учун умумий ҳисобланган лексемалар қатори, муайян тилгагина хос сўзлар, истилоҳлар ҳам сўз бойликдан ўрин олган [2]. Туркий тилларда бор фарқларни кўрсатишни Маҳмуд Кошғарий моҳирлик билан амалга оширган. Турклар ва ўғузлар тилидаги номутаносиб лексемаларни қуйидагича гуруҳлаш ўзини оқлайди, деб ҳисоблаймиз:

1. Айни лексик бирлик фарқли маъно-мазмунни англатади. Масалан, *ағыл* лексемасини турклар «оғил» маъносида ишлатишган бўлса, ўғузлар «қўйнинг қийи» семемасида қўллашган [I.103]. *Қурт* сўзи барча турклар тилида «қурт (ҳашорот)», фақат ўғузлар тилида «бўри» маъносида истеъмолда бўлган [I.328]. Турклар «юмшоқ ер» семемаси учун *қайыр* лексемасидан истифода этишган. Ўғузлар бу лексемани «қум» маъносида қўллашган [III.180]. Турклар тилида *кэнд* ўзлашмаси «шаҳар, вилоят»ни ифодалаш мақсадида ишлатилган. Ўғузлар тилида мазкур истилоҳ «қишлоқ»-ни англатган (I.330). *Ашлық* ясамаси турклар тилида «ошхона» маъносини билдирса, ўғузлар уни «буғдой»ни ифодалаш учун қўллашган [I.137]. Турклар тилида сўнгги маъно *буғдай* [III.258) лексемаси қатори ўғузлар тилида «тариқ» семемасини ифодаловчи *тарық* ясамаси билан англашилган [I.354]. «Тариқ» маъносини билдириш учун турклар *ўгўр* [I.88] ва *қонақ* лексемаларидан фойдаланганлар [I.364]. Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидига кўра, *ўгўр* лексемаси ўғузлар учун нотаниш бўлган. Бироқ луғатнинг шу саҳифасида ўғузлар «кунжут»ни *йағ ўгўри* релятив изофали бирикма билан аташлари қайд этилган [1.88]. Ўғузлар тилида «чарви» маъноси *йағ* лексемаси билан ифодаланган. Бошқа турклар тилида бу сўз «уруғ ва ўсимликлар ёғи»ни билдирган [Ш.175]. “Балиқлан, балиқли бўлмоқ” маъносини ифодалаш мақсадида турклар *балықлан* феълини ишлатишган: *көл балықланды* - Кўл балиқланди. Луғатшуноснинг гувоҳлик беришича, арғулар бу сўзни лойли, уйғурлар эса қўрғонли жойга нисбатан ишлатишган [II.307]. Бу ерда, шубҳасиз, “балиқ” (*балық I)*, “лой” (*балық II*) ҳамда “шаҳар”(*балық* III) маъноларини билдирган омонимлар [I.360] асосида ясалган феъллар хусусида сўз юритилган.

Турклар *қара қуш* бирикмасини ҳам «бургут», ҳам «Муштарий юлдузи (сайёраси)»ни ифодалаш учун қўллашса, ўғузлар «туя оёқларининг учи»ни шу лексик бирлик билан номлашган [I.319]. *Сиңәк* зооними шаҳарликлар тилида «пашша», саҳроликлар тилида эса «чивин» маъносини билдирган [III.378]. Ўғузлар бировни сўзлашдан қайтармоқчи бўлишганда *тынма* деганлар. Маҳмуд Кошғарийнинг фикрича, бу тескаридир, яъни “тинма” демакдир. Бошқа турклар “сўзлама, жим бўл”ни *тын* сўзи билан ифодалашган. Ўғузлар “сўзлама” маъносини *тынма* билан ифодалашда хато қилганлар [II.36].

Чигиллар тилида “қишлоқ” маъносини билдирган *улуш* истилоҳини Баласоғундан тортиб, то арғулар яшайдиган жойлардаги туркийлар “шаҳар” маъносида ишлатганлар. Шу боис улар Баласоғун шаҳрини *Қуз улуш* тарзида ҳам аташган [I.94]. Маълумки, ушбу соф туркий лексема мўғул тилига *улус* (*с* фонемаси *ш* га алмашган) фонетик шаклида ўзлашган ҳамда “юрт, мамлакат, эл” маъносини англатган. ХШ асрнинг 20-йилларидан кейин *улус* истилоҳи қайд этилган маъноларда туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилига қайта кириб келган ҳамда фаол ишлатилган ва ҳ.к.

2. Айни маъно-мазмун турли лексик бирликлар билан англашилади. Масалан, «ёй идиши, садоқ» маъноси турклар тилида *йасық* термини билан ифодаланган. Ўғуз ва қипчоқлар бу истилоҳ ўрнида *қурман* лексик бирлигини қўллаганлар [III.24]. XIV аср Хоразм манбаларидан Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» достонида кейинги термин *қурбан* фонетик шаклида ишлатилган. Мазкур шаклда истилоҳ эски ўзбек адабий тилида, хусусан, Алишер Навоий ва Муҳаммад Солиҳ асарида кузатилади [3]. Кейинчалик бу термин мўғулча *сағдағ // сағдақ* ўзлашмасининг фаоллашуви оқибатида архаиклашган.

«Раҳбар, йўлбошчи, йўлчи» маъносини ўғузлар *чуфра* [I.400], турклар эса *қулабуз* [I.44 а] термини билан ифодалашган. Охирги лексик бирлик *қулавуз* шаклида кейинги давр манбаларида қўлланишда давом этган. Эски ўзбек адабий тилида у ўрнини мўғулча *ғажарчы // қачарчы* ўзлашмасига бўшатиб берган. Ҳозирги турк тилида *kilavuz* лексемаси олти маънони англатувчи полисемантик сўз ҳисобланади [6.530].

«Хон муҳри» маъносидаги *туғрағ* терминининг ўғуз тилига хослигини қайд этган «Девон» муалли-

фи уни нафақат турклар, чунончи ўзи ҳам билмаслигини эътироф этган [I.430]. Турклар зикр этилган маънони *тамға* истилоҳи билан ифодалашган [I.400]. Эски ўзбек адабий тили, хусусан, Алишер Навоий асарларида ҳар икки термин қўлланишда бўлган. Биринчи истилоҳ *туғра* фонетик шаклида «сарлавҳа, хат бошидаги муҳр», иккинчи термин эса «муҳр, тамға» маъносини ифодалаган.

«Исириқ» маъносини турклар *йызығ от* бирикмаси билан ифодалашган. Қашқар, уч ва барсаған қабилалари тилларида ушбу маъно *элдрўк* [Ш.419] сўзи, ўғуз тилида эса *йўз эрлик* бирикмаси ёрдамида очилган [II.19]. Уч қабиласи вакиллари тилида *элдрўк* сўзининг *элрўк* фонетик шакли ҳам қўлланган [1.129]. Шу ўринда *йызығ от* бирикмасининг синоними ҳисобланмиш *ысрық* лексемасининг "Девон"да қуйидагича изоҳланганини келтирамиз: исриқ – болаларнинг бошларига тошадиган яраларни ёки кўз тегишдан болаларни даволаганда айтиладиган сўз; (исриқ) тутатилади ва боланинг юзига тутуни *ысрық- ысрық* (Э жин, эс-ҳушингни йўқот) деб тутатилади [I.122].

Ранг-тус билдирувчи *ақ* сифати ўғуз тилига оид бўлиб, турклар унинг ўрнида ўрўң лексемасини қўллашган. Кейинги давр манбаларида *ақ* лексемасининг мавқеи кўтарилган ва у маънодошини истеъмолдан сиқиб чиқарган. Бугунги кунда ўзбек тилида кенг қўлланувчи *ақ сақал* «оқ соқол, ҳурматли одам» [I.109] сўз бирикмаси луғатда ўғуз тилига хос деб кўрсатилган.

Инсон организмларидан талоқ, қора жигарни ифодаловчи *талақ* сўзидаги *т* фонемасини қипчоқлар *с* га алмаштириб *сулақ* шаклида қўллашган [1.390].

Савчы [III.445] лексемаси «совчи» маъноси билан турклар тилида фаол қўлланган. Ўғузлар унинг ўрнида *йазығчы* "қудалар орасида хат-хабар ташиб юрувчи, совчи"[III.63] деривати (йаз - "ёзмоқ")ни ишлатишган. "Девон"да қиз билан куёв томон ўртасидаги совчининг *арқучы* лексемаси билан ҳам англашилиши хусусида шарҳ мавжуд бўлиб, бироқ ушбу ясаманинг қайси қабила тилига оидлиги кўрсатилмаган [1.159].

«Қоғоз ёки бошқа материал юзига бирор белги туширмоқ» сememаси турклар тилида *бити=,* ўғуз тилида эса *йаз=* феъли билан ифодаланган. Кейинги давр обидалари тилида ҳар икки ҳаракат феъли қўлланишда бўлган. Ҳозирги ўзбек тилида *ёзмоқ* феъли меъёрлашган, *битмоқ* феъли стилистик бўёққа эга.

«Асал» маъноси суворин ва қипчоқлар тилида *бал* лексемаси билан ифодаланган бўлса, турклар ва ўғузлар ушбу маънони *ары йағы* релятив изофа билан номлашган [III.171].

"Ташқарига чиқмоқ" маъноси яғмо, тухси, ябақу, қипчоқ ва баъзи туркман (ўғуз – Ҳ.Д.) уруғлари тилида *ташық-* сўзи билан англашилган. Кўпчилик турклар айни маънони *чық-* сўзи билан ифодалашган [II.131] ва ҳ.к.

3. Айни маъно-мазмун ёки нарса-буюмнинг ўз ва ўзлашган қатламга оид лексемалар билан англашилиши.

«Бет-қўл ювиш учун ишлатиладиган узун ва ингичка жўмракли, бўғзи тор идиш» сememаси турклар тилида *қумған* [1.400] ва *көнäк* [I.377] сўзлари билан ифодаланса, ўғузлар лафзида форс-тожик тилидан ўзлашган *автаба* [1.373] лексемаси ёрдамида англашилган.

«Бўйин тумор» маъносини турклар *бақан* [I.379] лексемаси билан номлашган. Ўғузлар мазкур маънони асосан арабча *қилада* ўзлашмасининг *қалыда* шаклига юклашган [I.406]. Айни чоғда ўғузлар таҳлил этилаётган маънони *битиг* [I.366] ясамаси билан ҳам ифодалашганини таъкидлаш лозим бўлади.

4. Муайян лексик бирлик у ёки бу тилда умумий (интеграл) ёхуд хусусий (дифференциал) маъно ифодалаши билан фарқланади. Масалан, турклар тилида «одамлар орасидаги шодлик, байрам» маъноси *базрам* сўзи билан англашилган. Ўғузлар бу сўзни *байрам* фонетик шаклида фақат «ҳайит куни»ни билдириш учун қўллаганлар [I.447]. Ўғузлар ҳар қандай байтални номлаш мақсадида *қысрақ* зоонимидан фойдаланганлар, турклар бу лексик бирликни фақат ёш байталга нисбатан ишлатишган [I.439].

Турклар тилида «ялқов, дангаса» маъноси *йатуқ* (<йат-) деривати билан очилган. Ўғузлар тилида ушбу лексема «ўз шаҳридан бошқа ерга чиқмайдиган, жанг қилмовчи»ни англатган [III.22]. Турклар «ёғ (уруғ ва ўсимлик ёғи)» маъносини ифодалаш учун *йағ* лексемасидан истифода этишган, ўғузлар тилида бу лексик бирлик фақат «чарви»ни англатган [III.175].

Маҳмуд Кошғарий баъзи моносемантик сўзларнинг хос маъноси, яъни муайян сўзнинг фақат муаян маънони ифодалаш учун хизмат қилишини *тарым* истилоҳи мисолида очиб берган. Унинг таъкидлашича, ушбу истилоҳ қулликдан ҳукмдорлик даражасига етишган тегинлар (масалан, Сабук тегин – Ҳ.Д.) ва Афросиёб авлодидан бўлган хотин (малика – Ҳ.Д.) ва бошқаларга хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин нисбатан ишлатилган. Ҳукмдор (хан, хоқон – Ҳ.Д.) хотинларининг лақаблари ўрнида *алтын тарым* бирикмаси қўлланган [1.376].

5. Турк тилида мавжуд бўлган, лекин ўғузлар тилида қўлланмаган лексик бирликлар ҳам Маҳмуд Кошғарий назаридан четда қолмаган, Маса-

лан, турклар тилида «ўқдон» маъноси *кэш* термини билан очилган. Луғат тузувчининг фикрига кўра, «ўғузлар ва ўғузларнинг биродари бўлган қипчоқлар бу сўзни билмайдилар» [III.140]. Ушбу қайддан ўғузлар ва қипчоқларда «ўқдон» тушунчаси йўқ экан-да деган фикр туғилмаслиги лозим. Зеро, ўғуз ва қипчоқ тилларида қайд этилган маъно *қурман* термини билан ифодаланган [I.416]. Шундай мулоҳазани «аскарларнинг турар жойи» маносидаги *той* лексемаси иштирокида хосил қилинган *хан той* аморф изофали бирикманинг турклар тилида «хоннинг аскаргоҳи» маъносини англатиши, бу терминни ўғузлар билмаслиги хусусидаги таъкид ҳақида [III.155] ҳам билдириш мумкин. Айни пайтда "тиллашмоқ, сўзлашмоқ" маъносидаги *талық-* феълининг ўғузларга хослиги, бу сўзни турклар билмаслиги эътироф этилган [II.131]. Луғатшуноснинг қайд этишича, "бирор ишни амалга оширмоқ, рўёбга чиқармоқ" маъносини ифодалаш учун турклар қыл- феълини қўллашган. Ўғузлар бу сўзнинг ўрнида эт- сўзидан истифода этишган [II.33]. "Билдирмоқ, хабардор қилмоқ" маъноси ўғузлар тилида билдӱз- феъли билан англашилган. Маҳмуд Кошғарий ушбу сўзнинг қоидадан ташқари эканлиги, уни турклар бу тарзда қўлламасликлари хусусида маълумот келтиради [II.235].

Маҳмуд Кошғарийнинг диққат-эътиборидан сўзларнинг кўчма маънолари ҳам четда қолмаган. М., «йугрук, чопар (от)» маъносини англатувчи *йӱгӱрӱг* лексемасини ўғузлар «донишманд, зийрак ва фаол киши» кўчма маъносини ифодалаш учун ишлатишган [III.52]. "Илдиз отмоқ" маъносини ифодалаган *йылдызлан-* лексемаси дарахтга нисбатан ишлатилиши *йығач йылдызланды* "Дарахт илдиз отди" қатори, бирор ерга жойлашган одамга нисбатан ҳам қўлланган: *эр йылдызланды* "одам илдиз ёйди, қаттиқ жойлашди" [III.126].

Эски туркий тилда «ҳўл новда» маъноси *тал* фитоними билан англашилган. Нозик ва хушқомат канизаклар ҳам толга ўхшатилиб, *тал бозлуғ* деб эъзозланган [III.171]. *Қачақ* истилоҳи билан нафақат Чиндан келтирилган товар тури, шунингдек, жориялар ҳам аталгани эътироф этилган [II.328].

«Девон»дан ўзлашма сўзлар хусусидаги олимнинг фикр-мулоҳазалари ҳам ўрин олган. Бунда луғат муаллифи туркий тилдаги у ёки бу лексеманинг қайси тилга хослиги ёхуд араб ва форс тиллари материаллари билан чоғиштириш асосида муайян сўзнинг келиб чиқишини белгилаб беради. Чунончи, «дин» маъносидаги *ном* терминининг хитой тилидан [III.127] кириб келгани, «идиш»-ни англатучи *кӱзӓч//кӱзӓч* истилоҳининг арабча (*кузад*)га ўхшаш, бироқ *д* ҳарфи *ч* га алмашгани [1.341], «калит, қулф калити» маъносидаги *кирит* сўзининг арабча *иқлид* сўзига яқинлиги, бунда арабча сўздаги *қ* ҳарфи *г* га, *л* ҳарфи *р* га, *д* ҳарфи *т* га алмашгани, алифнинг туширилгани [1.339], «дона» маъносидаги *тана* лексемасининг форсий тилдан (*дана)* олингани, туркий талаффузга мослашитирилиб, туркийчалаштирилгани [III.51], «пешонасида оқи бор от» маъносидаги *уғар ат* бирикмаси таркибидаги *уғар* сўзининг шаклан ҳам, мазмунан ҳам арабчага мослиги [I.87], "сизинди сув" маъносидаги *тэриӈӱк* лексемасининг арабча шакли *таринқуқ* эканлиги, *қ* фонемасининг *г* товушига алмаштирилганини таъкидлайди [II.335]. Туркманча белгиси билан луғатдан ўрин олган ва "ўғирлаш, талаш" маъносида қўлланган *қарыт* лексемаси ҳақида мулоҳаза юритган Маҳмуд Кошғарий ушбу сўзни арабча *ғарат* ўзлашмасидан олинган деб гумон қилишини баён этган [I.338]. Луғатда қайд этилишича, "кучли ҳукмдор, давлат бошлиғи" маъноси *қадыр* истилоҳи билан англашилган. Хоқонияликлар хонни *қадыр хан* бирикмаси билан эъзозлашган. Маҳмуд Кошғарий *қадыр* сўзининг айни маъносида арабчага ўхшашлик борлиги, зеро, *қодир* сўзи араб тилида "кучли, ҳар ишни қила олувчи"ни ифодалашига урғу берган [I.344] ва ҳ.к.

Луғатда этимологияси аниқ кўрсатилмаган ўзлашмалар "аслида бу сўз турк(ий)ча эмас" жумласи билан изоҳланган *тӱмсӓ* "минбар, баланд ер (ўғузча)" [I.399]*, чахшу* "ҳузаз ўсимлиги. У билан кўз оғриғи даволанади" [I.399] сингари ашёвий мисоллар иштирокида очилган. Болаларни семиртириш учун ялатиладиган бир дорининг *хасны* деб номланиши, унинг Ҳиндистондан келтирилиши хусусидаги таъкиддан [I.408] дорининг номи санскрит тилидан ўзлаштирилган, тарзида хулоса чиқариш мумкин.

Қорахонийлар даврида лочин ови шуҳрат топган. Ов чоғи лочинни ўлжага солиш учун ноғора, довул чалинган. Бундай ноғора *товыл* истилоҳи билан англашилган. Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг арабчадан олингани, лекин унинг туркийлар яшайдиган ўлкаларнинг энг қуйи ерларида эшитганига алоҳида эътибор беради [III.179-180]. Ҳозирги ўзбек тилида *довул* термини "овчилар, тўпчи қоровуллар ёки ҳарбийлар учун белгиланган махсус ноғора" семемасини ифодалаш учун хизмат қилмоқда [ЎТИЛ, I.231).

Луғатшуноснинг фикрича, "турп" маъноси турклар тилида *турма* лексемаси, "сабзи" маъноси эса *сарығ турма* бирикмаси билан номланган. Арғулар сабзини *кэзри* сўзи билан аташган. Олимнинг таъкидича, улар бу сўзни форсларнинг *газар* сўзидан бузиб олганлар. Ўғузлар уни *кэшӱр* тар-

зида ишлатишган, улар ҳам бу сўзни форслардан олганлар. Ўғузлар форслар билан аралашгач, (ўзларининг) баъзи сўзларини унутдилар ва уларнинг ўрнига форсийча сўзларни қўллай бошладилар, Масалан, ўғузлар туркча *қумған* ўрнида форсча *афтаба*, “бўйин тумор” маъносини ифодаловчи *бақан* лексемаси ўрнида *қалыда* сўзини қўллайдилар. Бунинг арабчаси *қылада*дир [I.405-406].

Айни чоғда луғат тузувчи баъзи туркийча сўзларнинг араб ва форс-тожик тиллари томонидан ўзлаштирилганига ўқувчи диққатини қаратади. Чунончи, «қорамол ва бошқаларга босиладиган тамға» маъносини ифодаловчи *тамға* лексемасини форслар турклардан олганлиги, чунки форсларда турклардагидек қорамол йўқлиги, шунинг учун бу сўзга уларда зарурат ҳам бўлмагани хусусидаги қайд [III.167] исбот талаб қилмайди. Ёхуд «пахтали тўн» маъносини англатган сўз ҳақидаги изоҳга эътибор қаратамиз: *йалма* «пахтали тўн», форслар буни туркий халқлардан олиб *йалма* шаклида ҳам талаффуз қиладилар. Араблар форслардан олиб *йалмақ* шаклида қўллайдилар. Араблар *–қ* ни *–ҳ* га айлантирганлар. Мен бу сўзни энг қирғоқ чегараларда яшовчи оддий турк халқларидан ҳам эшитганман. Булар бошқа халқлардан кўра, бу ёмғир ёпинчиғига муҳтожроқдирлар. Чунки буларнинг юртларида қор, ёмғир кўпдир [III.42].

Форс-тожик тилида «қалъа, қўрғон» маъносида қўлланувчи *диз* термини аслида «баланд ер»-ни англатувчи туркийча *тайиз* лексемаси заминида воқеланганлиги борасидаги Маҳмуд Кошғарий қайди муҳим аҳамиятга эга. Зотан, тарихий луғатларнинг аксариятида *диз* истилоҳи ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган сўз сифатида эътироф этилган [III.135].

Маҳмуд Кошғарий луғатда бир қатор сўзларнинг келиб чиқиши, уларнинг қурилиши хусусида ҳам қимматли мулоҳазаларни илгари сурган. Масалан, туркларнинг машҳур овқат турларидан тутмач борасидаги луғатнавис фикри қуйидагича: *тутмач* – туркларнинг машҳур овқати. Бу овқат Искандар Зулқарнайнга нисбатли овқатдир. Шундайки, Искандар зулматдан чиққач, озиқлари камайиб қолган одамлар очликдан қўрқиб, унга бизни оч қўйма, оч тутма мазмунида бизни тутма ач, қўйиб юбор, бизлар юртимизга кетайлик деганлар, Искандар билимдонлар билан кенгашган ва улар шу овқатни тайёрлаганлар. Бу овқат гавдага қувват бериб, юзни қизартирар, тезда ҳазм бўлмас эди. Бу овқат ейилгач, сувдан ҳам ичилар эди. Турклар бу овқатни кўргач, «тутмач» деб атадилар. Асли *тутма ач*, яъни «оч тутма» демакдир. Икки *а* туширилиб, *тутмач* бўлган. Бунинг маъноси «ўзингни оч тутма, шу овқатни тайёрлаб е» демакдир [I.422].

Ўғузлар тилида «қуруқ» маъносида қўлланувчи *қур* сўзи *қуруғ* лексемаси таркибидаги *–(у)ғ* аффиксининг қисқариши натижасида воқеланган луғатда таъкидланган [III.134]. “Сақламоқ, асрамоқ; кутмоқ”ни англатган *кöзäз-* сўзининг асли *кöз эт-* “эсида тутиш учун кўзини бирор нарсага отмоқ, ташламоқ” қўшма феълидан [II.91], “қизил бўлмоқ, қизармоқ” маъносини англатувчи *қызар-* феълининг асли *қызыл эр-* “қизил бўлмоқ” эканлиги, қўшма феъл таркибидаги *л* ва *э* фонемаларининг туширилиши оқибатида айни шаклни олганлиги [II.190], “қораймоқ” маъносидаги *қарар-* фелининг асли *қара эр-* “қорага айланмоқ” бўлгани [1.190], “терлатмоқ” маъносида ишлатилган *тэрит-* сўзининг *тэри öтти* “тер теридан ўтди” гапидан ҳосил бўлгани, яъни феълдаги *ö* фонемаси туширилгач, жумланинг ёлғиз феълга айлангани [II.350], “кузатмоқ, кўз тикмоқ” маъносидаги *кўзäт-* сўзининг асли *кöз* ат- “кўз отиб, мунтазир бўлмоқ” [II.354] эканлиги ёки ушбу сўзнинг тэр атты “бадан тер чиқарди” иборасидан олингани, ҳаракатни ифодаловчи сўздаги а фонемаси туширилиб, бир феъл ҳолига келганлиги баён этилган [II.350].

“Увра тахта” маъноси “Девон”да *йасғач* истилоҳи билан ифодаланган. Маҳмуд Кошғарий ушбу сўзнинг асли *йасы йығач*, яъни ясси ёғоч, энли тахта эканини қайд этган [III.45]. Кузда ҳар хил хушбўй ўтлар билан қуритилиб, кўкламда ейиладиган гўшт аждодлар тилида *йазуқ эт* бирикмаси билан ифодаланган. Луғатшунос мазкур бирикманинг *йаз оқ йэ-,* яъни “фақат кўкламда егин, истеъмол қилгин” иборасидан олинганини эътироф этади [II.23]. “Тўп, копток” маъносида кенг қўлланувчи *топ* сўзи хусусида фикр юритган луғатшунос унинг *топық* лексемасининг қисқарган шакли эканига диққатни жалб этади [III.130] .

Ўғуз ҳамда қипчоқлар тилида “ўқ ёй солинадиган идиш” маъносида кенг қўлланувчи *қурман* истилоҳининг “белга камар боғламоқ”ни англатувчи қур- сўзидан ясалгани “Девон”да эътироф этилган [I.416]. Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” достонида ушбу термин *қурбан* шаклида ишлатилган [5.II.646]. Эски ўзбек тилида бу истилоҳ ўз ўрнини мўғулча *сағдақ* [4.164] ўзлашмасига бўшатиб берган.

Луғатда “сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ” маъносида ишлатилган *бэрклä-* сўзи хусусида фикр билдирилар экан, унинг асли *бэклä-* эканлиги, ўз навбатида бу феълнинг “қўриқланган, маққам қилинган” маъносидаги *бэрк йэр* бирикмасидан воқеланган бўлиши мумкинлиги айтилган [III.448).

Осиё қитъасининг нисбатан катта дарёлари-

дан ҳисобланган Иртиш хусусидаги луғатшунос мулоҳазаларига диққат қиламиз: *Эртиш* – Емак саҳросида оқадиган бир сув (наҳр) номи. Бир неча тармоқ (ариқлар)дан иборат бўлган шу сув(наҳр) ўша ер(қир)даги бир кўлга қуйилади. Уни *Эртиш сувы* дейилади. Бу сўз сувдан ўтишда “ким тез ўтар” маъносида қўлланган *эртиш(мақ)* сўзидан олинган [I.122].

Маҳмуд Кошғарий муайян сўзни изоҳлаш чоғида шу сўз ифодалаган нарса-предмет, ҳодиса ёки жараён тўғрисида ҳам батафсил ахборат беришни назарда тутган. Ашёвий далил сифатида буғдойдан шароб тайёрлашда ачитқи сифатида қўлланадиган *оғут* сўзи шарҳига мурожаат қиламиз. Оғут истилоҳи бўза тайёрлашда ишлатиладиган ачитқининг номи. У бир қанча дорилардан иборат бўлиб, унлари ундирилган арпа уни билан аралаштирилган. Сўнгра оғут-хамир қориштирилиб, ғўлаксимон қилиб кесилгач, маълум муддат қуритилган. Кейин буғдой ва арпа идишда қайнатилган. Навбатдаги жараёнда оғут-ғўлаклар янчилиб, буғдой устига сепилган. Қайнатилган бўғдой тоза матога ўралиб, уч кунгача димлаб қўйилган. Шундан сўнг буғдой хумга солинган ва ўн кун давомида етилтирилган. Ниҳоят, етилган буғдой устига сув қуйилиб, сузилган. Шу йўсинда буғдой шароби – бўза тайёрланган [I.84]. Чигиллар тилида *сым сымрақ* деб аталган овқат турининг тайёрланиш жараёни қуйидагича ёритилган: калла қайнатилиб пиширилгач, майда қилиб тўғралади, сўнг дориворлар билан бирга идишга солинади ва устига ачиган қатиқ қуйилиб, у сингигач, ейилади [III.150]. Унча катта бўлмаган дарёларни кечиб ўтишда *тар* истилоҳи билан юритилган оддий қайиқлардан фойдаланилган. Бундай қайиқларнинг ясалиши хусусидаги Маҳмуд Кошғарий фикрлари муҳим аҳамиятга эга. Бу шундайки, бир неча мешлар дамланиб шиширилади. Сўнг (мешнинг) оғзи боғланиб, бир нечаси бир-бирига бирлаштирилади. Сув устида томга ўхшаш бир нарса ҳосил қилинади. Кейин у(қайиқ)нинг устига ўтирилиб, сувдан ўтилади. Бундай мосламалар, шунингдек, қамиш ва шохлардан ҳам ясалади. Олим *тар* сўзининг ябақу ва татарлар тилида ишлатилишини алоҳида таъкидлайди [III.162]. Луғатшунос “новда ёки мешлардан ясалган енгил қайиқча, сол” нинг *сал* сўзи билан ифодаланиши ҳақида маълумот берар экан, *тар* сўзининг ҳам айни маънога эгалигини такроран таъкидлаган [III.171].

Қуйма сўзи билан аталган ёғли ноннинг тайёрланиши қуйидагича кечган. *Куйма* шарбат билан қорилган хамирдан юпқа қилиб кесилган. Сўнг қозонда қайнаб турган ёққа солиниб, аралаштирилгач, устига сепилган. Тайёр бўлган *қуйма* дастурхонга тортилган [Ш.188]. Ушбу сўзнинг омоними ҳисобланган *қуйма* истилоҳининг маъдан моддаларидан болға билан уриш орқали эмас, балки қуйиш усули билан ясалган ҳовонча, шамдон каби нарса-буюмларни ифодалаши таъкидланган [III.189].

“Девон” муаллифининг “тери” маъносини ифодалаган *кӧн* сўзи борасидаги қайдларига эътибор қаратамиз. Луғатшунос *кӧн* сўзининг нафақат от, шунингдек, одам терисига нисбатан ҳам қўлланишини айтиб ўтади. Бу сўзнинг истиора асосида туя терисига ҳам ишлатилиши *тэвӓй кӧни* изофаси мисолида очилган. Шу ўринда Маҳмуд Кошғарийнинг “ишлов берилмаган тери”нинг *кӧн*, ва аксинча, “ишлов берилган тери”нинг *қоғуш* истилоҳи билан ифодаланиши хусусидаги таъкиди муҳим илмий-ижтимоий аҳамият касб этади.

Луғат муаллифи бирор бир нарса-предмет номини изоҳлашда унинг вазифаси хусусида ҳам етарли маълумот келтиришни маъқул кўрган. Хусусан, қатиқ билан сутни аралаштириб ҳосил қилинган суюқликнинг *ибрӱк* истилоҳи билан аталиши, унинг қуртобани кўп ичиш оқибатида ичи қотган одамга сурги дори сифатида берилишини эътироф этган [1.126].

Балиқ тутишда қўлланадиган тўрнинг луғатда *ыздаһ* сўзи билан ифодаланишини қайд этган Маҳмуд Кошғарий жараённинг қай тарзда амалга ошишини мана бундай тасвирлайди: анҳорнинг бир ерига чўплардан тўғон қилинган. Тўғоннинг ўрта еридан тешикча қолдирилиб, унинг оғзига тўр – тузоқ тутилган. Балиқ тушган ҳамон тўр кўтарилган [I.139].

Аждодларнинг қушларни овлаш жараёнидаги устамонлиги чигиллар тилида қўлланган *тувак* истилоҳи ифодалаган “туппак” хусусидаги шарҳда ўз ифодасини ёрқин топган. Луғат муаллифининг ёзишича, тол дарахтининг ва умуман ҳўл шохларнинг пўстлоғини ёрмай шох, новдадан суғуриб олинган ва унинг ичига ғўлакчалар қўйиб, чумчуқлар отилган. Ёғочнинг ичини ҳам ковак қилиб туппак ясалган [I.369].

Луғатда баъзи бир топонимлар хусусидаги фикрлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Қазвин шаҳри номининг Афросиёб қизи Қаз номи билан алоқадорлиги ҳақидаги тубандаги изоҳга эътибор берамиз: *Қаз* – Афросиёб қизи, Қазвин шаҳрини шу қургандир. Бу сўзнинг асли *қаз ойнығоз* ўйналадиган жой демакдир. Чунки у шу ерда турар ва шу ерда ўйнар эди [III.163].

«Қулоч» маъносини билдирувчи *қулач* сўзининг аслида «қўлни оч, қулочни ёз» буйруқ майлини англатувчи *қол а:ч* дан келиб чиққанлиги хусусидаги фикр диққатга молик [1.340] ва ҳ.к.

Маҳмуд Кошғарий тузган луғатда анчагина сўзларнинг энциклопедик шарҳлари ҳам келтирилган. Чунончи, *қарғуй* – тоғ чўққисига ёки баланд ерларга минорага ўхшатиб ясаб қўйиладиган жой. У ерда ўт ёқилиши билан душмандан хабар берилади ва одамлар ўзларини ҳам, молларини ҳам қутқаришга ҳаракат қиладилар [III.260]. “Қатиқ томизғиси” маъносини англатган *қор* сўзига доир луғатдаги шарҳга диққат қиламиз: Бу хурмачада ивитилган қатиқ ёки ачиган қимиздан идиш тагида қолдириб, устига сут қўшиб, қатиқ ёки қимиз қилишдир [III.133].

“Девон”да ҳукмдорнинг аъёнлари иштирокида уюштирадиган овнинг бир тури *сығыр* истилоҳи билан ифодалангани акс этган. Луғатшуноснинг ёзишича, ҳукмдор одамларини ўрмон ва даштлардан ўз томонига ов ҳайвонларини ҳайдаб келишга жўнатган. Улар ҳайвонларни тўплаб келгач, ҳукмдор қийинчиликсиз, бемалол ов овлаган [I.344]. Кейинги замонларда ҳам ҳукмдорлар иштирокидаги ов кенг тус олган. Чунончи, Амир Темур ва темурийлар томонидан тез-тез уюштирилган ов қўшиннинг жанговар ҳолатини талаб даражасида ушлаб туришдаги муҳим тактик амалиёт ҳисобланиб, *чäргä, ав, шикар* истилоҳлари билан аталган.

Луғатда муайян лексик бирликларнинг истеъмолдан чиқиб, архаиклашиши сабаблари ҳам ўрни билан ўз аксини топган. Чунончи, тайаңу– бу сўзнинг асл маъноси ҳожиб – воситачи, пардачидир. Лекин *ҳожиб* сўзи кўп қўллана бошлагач, бу сўз истеъмолдан қолди. Бу сўз «суянмоқ, орқа қилмоқ» маъносидаги *тайан-* феълидан ясалгандир [III.390] ва ҳ.к.

Бирон бир сўзга хос у ёки бу шаклнинг фаол ёхуд нофаол қўлланиши масаласи ҳам Маҳмуд Кошғарий назаридан четда қолмаган. Хусусан, “яламоқ” маъносининг *йалға-* ва *йалwа-* сўзлари билан ифодаланиши борасида мулоҳаза юритган олим кейинги шаклнинг биринчисига нисбатан қўпроқ қўлланишига ўқувчи эътиборини тортади [III.321].

“Девон”да баъзи ўринларда муайян сўз маънолари орасида қарама-қарши маъно (энантиосемия)ларнинг воқеланиши ҳам ашёвий мисоллар билан аниқлаштирилган. Масалан, “терламоқ” маъносини ифодалаган *тэрлä- (ат тэрлäди* – от терлади) ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз феъли, шунингдек, “тердан фориғ қилмоқ, тозаламоқ” маъносида ҳам қўлланган [III.308]. “Тугамоқ, ниҳоясига етмоқ” маъносини билдирувчи *тўгä-* (ыш тўгäди – иш қолмади, иш тугади) феъли “етмоқ” (бу аш қамуғқа тўгäди – бу таом ҳаммага етди) маъносини ҳам ифодалаган [III.285]. *Ол аны қарғады, арқады* – у уни қарғади, ёмонлади, ёмон қилиқларини гапирди жумласидаги *қарға-* ва *арқа-* сўзлари қўшалоқ (жуфт) ҳолда зикр қилиниши, *арқа-* сўзининг *алқыш* дан олингани, аслида яхшиликка қўлланувчи бу сўзнинг *қарға-* сўзи билан қўшма ҳолда кўп истеъмол қилиниши натижасида ёмонлик маъносида ҳам ишлатила бошлагани тушунтирилган [I.280].

Маҳмуд Кошғарий табиатдаги нарса-буюмлар, жонзотларга қўйилган умумий, жамловчи номлар қатори, бирор сифати билан бир-биридан фарқ қилувчи номларни ҳам луғатга киритган ва изоҳлаган. Масалан, данакли мевалар учун *эрўк* сўзи умумий ном ҳисобланган. Лекин шафтоли *тўлўг эрўк,* ўрик *сарығ эрўк*, олхўри *қара эрўк* бирикмалари билан аталган [I.99]. Қуш сўзини жамликни билдирувчи турдош от сифатида изоҳлаган олим қушларни бир-биридан фарқлаш учун *ўрўң қуш* “оқ лочин”, *қара қуш* “бургут”, *тэwäй қуш* “туя қуш”, *йун қуш* “товус”, эл қуш “ил қуш, қирғий”, *қыз қуш* “қизилтўш қуш” зоонимларининг ишлатилишини алоҳида таъкидлайди [1.319]. *Ушақ* “кичик, майда” сўзининг фақат жамлик ҳолати учун қўлланишини қайд этган луғатшунос, ёш болаларнинг *ушақ оғлан*, майда ўтиннинг эса *ушақ отуң* деб аталишини ҳам айтади [I.97] ва ҳ.к.

Семасиологиядан маълумки, баъзан муайян сўзнинг дастлабки маъноси вақт, замон ўтиши ёки ижтимоий ҳаётда содир бўлган объектив омиллар оқибатида тубдан ўзгариши мумкин. Маҳмуд Кошғарий бундай ҳодисаларнинг сўзлар маъно тараққиётида юз беришини яхши билган ва уларни “Девон”да қайд этишга ҳаракат қилган. Қадимги туркий битигларда *тэгин* истилоҳининг “хонзода, хон фарзанди” маъносида кенг қўлланган, чунончи, Иккинчи Турк хоқонлигининг ҳукмдорларидан Билга қағаннинг инилари *Кул тэгин, Йоллуғ тэгин* тарзида номлангани яхши маълум. Атоқли луғатшунос *тэгин* сўзининг маъно ривожини мана бундай баён этади: *тэгин* – аслида бу сўз қул демакдир, *кўмўш тэгин* “кумушдай тоза рангли қул” демакдир; *алп тэгин* “баҳодир қул”; *қутлуғ тэгин* “муборак қул”. Сўнг бу сўзни хоқония болаларигагина хослаб атадилар. Кейин бу сўз бирорта йиртқич қуш номи билан жуфт ҳолда ишлатиладиган бўлди: *чағры тэгин* “ҳужумда лочиндек қул”, *кўч тэгин* “кучли, қудратли қул”. Ундан сўнг бу исм Афросиёб болаларига (нисбатан) ҳам қўллана бошлади. Афросиёбнинг болалари бирор иш, воқеа, хабарни айтганда ёки ёзганда оталарига ҳурмат юзасидан ўзларини камситиб “қулингиз фалон қилди” деб “қулингиз” ўрнида *тэгин* сўзини ишлатар эдилар. Сўнг бу сўз уларга от бўлиб қолди. Бошқа қуллардан ажратиш учун бу сўзнинг

ёнига яна бир сўз қўшиб ишлатилади [I.391-392]. ХШ асрнинг 20-йилларида Мовароуннаҳрнинг мўғуллар томонидан босиб олиниши оқибатида *тэгин* истилоҳи ўз ўрнини чингизий хонзодаларга нисбатан қўлланган *оғлан* сўзига бўшатиб берган.

Адабиёт:

1. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 1-Ш . Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. Тошкент:1960-1963.

2.Ширалиев М. Махмуд Кашгари как диалектолог//Советская тюркология.- 1972.- № 2. –С. 27; Демирчизаде А. Сравнительный метод Махмуда Кашгари// Советская тюркология.- 1972.- № 2.- С.35-41.

3. Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка.- Т:- Фан. 1990.- С. 62.

4. Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома.- Т.,1960.

5. Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники X1V века. 1-II.- Т.: Фан,1966,1971.

6. Турецко-русский словарь.- М.: Русский язык, 1981.

Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ,
2017 йил 31 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Ш.Ҳ.Шаҳобиддинова)